



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 28-sentabr, shanba № 118 (3311)

Агарки дунё
иморатлари
ичида энг улуғи
мактаб бўлса,
касбларнинг
ичида энг
шарафлиси
ўқитувчилик ва
мураббийликдир.
Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, хурматли депутатлар! Қадри дўстлар!
Аваллабор, барчангизни соғ-омон қуриб, сизларга, сизлар орқали бутун Қашқадарё ахлига ўзининг чуқур хурматини билдиришдан хурсандман.
Хаммангизга яхши маълум: Қашқадарё менинг ҳаётимда, менинг таассуротимда алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам Қашқадарё ахли ва фаоллари билан кўп вақт учрашмасам, сизларни соғиниб қолганимни сезиб тураман.
Бугун мана шу залда сиз, азизлар билан учрашувда мен худдики ўз яқин дўстларимни кўргандек бўламан. Минг афсуски, турли-турли ташвишлар Қашқадарёга кўпроқ келишга, сизлар билан учрашиб, жайдари қилиб айтганда, бемалол гурун қилишга имкон бермайди.
Орадан қанча вақт ўтмасин, мен айтиш шунингиз билан яхши-ёмон кунларда бирга бўлганим, нон-тузингизни тагинганим — буларнинг барчаси ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.
Қашқадарё, ҳақиқатан ҳам, бағри дарё, беқийс ўлка. Бу воҳа одамлари билан бирга ишлаш насиб этгани, ҳаётимнинг энг жўшқин, энг ҳаракатчан даврида мард ва танти Қашқадарё ахли билан бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилганим, менга шундай ҳаёт мактабини ўташ бахтини бергани учун тақдирдан миннатдориман.
Бугунги мажлисимиз, бугунги учрашувимизнинг асосий мақсади, авваллабор, Қашқадарё воҳасидаги аҳвол, аҳолининг кайфияти, дарди, амалдаги ўзгаришлар ва ечимини кўтаётган муаммолар, эришилаётган марралар, олдимизда турган вазифаларни

муҳожама қилиш, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан.
Халқимизнинг фидойий меҳнати билан қўлга киритган ютуқларимиз билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида ҳолисона ва атрофлича фикр юритиб, тегишли хулосалар чиқариш зарурати борлигини, ўйлаيمانки, ҳаммамиз сезиб турибмиз.
Энг муҳими — бугун ҳаётимизнинг устувор ва ҳал қилувчи йўналишлари бўлмиш иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳалар ривожини таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни ечиш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олсак, ҳар қайсимиз ўз ўрнида бизга юқланган вазифаларни аниқлаб олсак, айтиш мумкин бўлар эди.
Қашқадарё охириги йиллар давомида тараққиёт йўлида эришаётган ютуқ ва марралар ҳақида гапирганда, қуйидаги рақам ва далилларни олиб келиш мумкин.
Авалло, 2012 йилда вилоятда ялпи худудий маҳсулот 4,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7,3 фоизга, чакана савдо 19,7 фоизга, қурилиш ишлари 12 фоизга, пуллик хизматлар 18,6 фоизга ўсгани ва бошқа кўрсаткичларни таъкидлаш зарур. Жорий йилда ҳам бундай ўсиш суръатлари давом этмоқда.
Этиборли томони шундаки, вилоят ялпи худудий маҳсулотидан саноатнинг улуши 39 фоизни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи айнан Қашқадарё вилоятда ишлаб чиқарилмоқда.
Бундай натижаларга эришишда вилоятда фаолият кўрсатаётган, мамлакатимиз иқтисодийнинг фахри бўлган йирик замонавий корхоналар катта ҳисса қўшаётган

ни эътироф этиш лозим. Йилига 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Шўртан газ-кимё комплекси негизда иқтисодиётимизда мутлақо янги тармоқ — газни чуқур қайта ишлаш тармоғи вужудга келганини, ушбу корхона янги замонавий индустриал мажмуаларни барпо этишда асосий таянч вазифасини бажарётганини алоҳида таъкидлаш керак. Юртимизда шу соҳага мансуб, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Қашқадарёда энг юқсак технологияларга асосланган Шўртан синтетик ёқилги ишлаб чиқариш мажмуаси, Муборак газ-кимё комплекси каби замонавий саноат корхоналари шулар қаторига кирилади.
Йирик инвестиция лойиҳаси асосида Талимаржон иссиқлик электр станциясида йилига 900 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккита буғга қурилмасини қуриш ишлари бошлаб юборилди.
Яқин ўтмишимизда тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган, ҳақиқатан ҳам энг замонавий технологияларга асосланган бундай лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган режаларимиз барчамизни қувонтиради. Шу билан бирга, вилоят иқтисодиётида кўзга ташланаётган, ҳаммамизда ташвиш уйғотадиган салбий ҳолатлар ҳам бугун кам эмас.
Бу ҳақда гапирганда, аввалло, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш негизда юқори қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича вилоят мамлакатимиз эришган марралардан орқанда қолганини афсус билан айтишга тўри келади. Масалан, республикамиз миқёсидаги

кўрсаткичларга нисбатан вилоят саноати таркибида энгил саноатнинг улуши 1,7 баробар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 3,3 баробар, қурилиш материаллари саноатининг улуши эса 3,6 баробар паст экани шундан далolat беради.
Вилоятда саноат корхоналарининг жойлашувида номуаносиблик ҳолатлари мавжуд. Асосий ишлаб чиқариш қувватлари Қарши шаҳри, Муборак, Ғузур ва Деҳқонбод туманларида жойлашган бўлиб, бошқа туманларнинг бу борадаги ҳиссаси орқанда қолаётганини қайд этиш зарур.
Ҳозирги вақтда вилоят бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги 55 та корхона рўйхатга олинган, лекин улардан 7 таси турли сабаблар билан фаолият кўрсатмаяпти.
Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яратилган имтиёз ва имкониятларга қарама-қарши, вилоятда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жиғидий оқсоқликка юз тутмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай маҳсулотларнинг саноат таркибидаги улуши 0,2 фоизни ташкил этмоқда. Айтишлар, бундай мутлақо қониқарсиз аҳволни қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, бу ерда саноатни ривожлантириш бўйича қандай кулай шарт-шароитлар, жумладан, табиий газ, нефть, калий, мармар, марганец, литий, сланец, кўрғошин, рух, қурилиш материаллари хомашёси ва бошқа кўп қабатли қазилма бойликларнинг захиралари мавжуд экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.
(Давоми 2-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўқитувчи ва мураббийлар кунини» муносабати билан таълим-тарбия тизимини алоҳида ўрнатиб кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимиз маънавий-маърифий соҳахиятини юксалтириш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»
Атамуратова Ойтош Маматовна — Ғузур туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти
Каримова Осийхон Абдуқадировна — Қўрғонтепа туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Қашанов Турганбай Ережопович — Нукус туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Мухаммадиева Назолат Анорбоевна — Дўстлик туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдураимова Махпубахан Рузиева — Наманган саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти
Бурибеков Анвархўжа Баххауович — Қибрай туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Ташкент вилояти
Бўриева Овотай Мардановна — Сарийосиё туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Жўраев Исроиқ Нормуродович — Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 2-академик лицейининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Қаландаров Махмуд Самандарович — Зарафшон саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти
(Давоми 3-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

З.Ш.Рўзиевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:
Зафар Шаропович Рўзиев Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод этилсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2013 йил 27 сентябр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т.И.Жўраевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:
Туробжон Икромович Жўраев Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2013 йил 27 сентябр

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 27 сентябр кунини Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.
Президентимиз Қашқадарё вилоятида эришилаётган ютуқ ва марраларни атрофлича таҳлил қилар экан, қуйидаги рақам ва далилларга алоҳида эътибор қаратди.
2012 йилда вилоятда ялпи худудий маҳсулот 4,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7,3 фоизга, чакана савдо 19,7 фоизга, қурилиш ишлари 12 фоизга, пуллик хизматлар 18,6 фоизга ўсганини таъкидлади. Жорий йилда ҳам бундай ўсиш суръатлари давом этмоқда.
Вилоят ялпи худудий маҳсулотидан саноатнинг улуши 39 фоизни ташкил қилади. Мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи Қашқадарё вилоятда ишлаб чиқарилмоқда, деди давлатимиз раҳбари.
Ҳозирги вақтда мамлакатимизда дон ва пахтанинг энг катта қисmini — 12 фоиздан зиёдани айнан Қашқадарё вилояти етказиб бермоқда.
Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга йўл қўйилган айрим камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.
Сессияда ташкилий масала кўрилди. Т.Жўраев Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсисига кўра Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаётган Зафар Рўзиев Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.
Сессияда сўзга чиққан Шаҳрисабз технология касб-хунар коллежи директори Исломиддин Абборов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси-

нинг биринчи ўринбосари Долли Аллаев, Китоб тумани ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи директори Муниса Суенова, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноят, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, Нишон туманидаги «Майна Курбонова» фермер хўжалиги раҳбари Майна Курбонова, Қарши Давлат университети талабаси Мафтуна Нодирова ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этиш, ислохотларимиз самарасини ошириш учун бутун Қашқадарё ахли астойдил меҳнат қилади ва қўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидладилар.
Президентимиз Ислом Каримов шу кунини Касби туманидаги «Шоназар ота Авазмуродов» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан мулоқотда бўлди.
Сирожиiddин Шоназаров раҳбарлик қилаётган мазукур фермер хўжалиги бу йил 35,7 гектар майдонда пахта етиштирди. Давлатга пахта ва галта сотиш шартнома мажбуриятларини мултазам бажариб келлаётган ушбу хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда.
— Бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилди, — деди Юртбошимиз. — Бу соҳада эришаётган муваффақиятларимизни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, авваллабор, ерни ҳақиқий эгаларига топширганамиз, фермерларимизда эгаллик ҳисси шакллангани, агротехника тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётгани, деҳқонларимизга унулли меҳнат қилиши учун яратилаётган кенг шарт-шароит ва имко-

ниятлар бугунги ютуқларимизнинг муҳим омил бўлмоқда.
Давлатимиз раҳбари пахтачиликда худуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серхосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида тўхтади.
Пахтачининг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Президентимиз. Ҳосилдорлигининг юқорилиги, зараркунандаларга чидамлилиги, толасининг узунлиги, пишқилги ва текислиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваллабор, нав танлашда ана шу талаблардан келиб чиқиб иш тутиш зарур. Бугун сифатли пахта етиштиришдан, аввалло, фермерларнинг ўзи манфаатдор. Улар қанча сифатли пахта тайёрласа, шунча кўп даромад топади.
Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Фермер қишлоқ хўжалигининг ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, худудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий раванқига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўйиши лозим, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.
Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларимизнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури, талаб ва эҳтиёжлари ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз янада қирой очиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, ёшларимиз ўз олдиға аниқ мақсадлар қўйиб, дадил интилаётгани, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини гурурга тўлдиряётгани қайд этилди.
Анвар САМАДОВ,
Уза махсус мухбири



2008 йил ОАЖ шаклидаги «Бешариқтекстил» ҚК янгитдан ташкил этилиб, қайта қуриш ва реконструкция ишлари олиб борилди. 2009 йилдан бошлаб «Бешариқтекстил» ОАЖ шаклидаги Ўзбекистон — Буоқ Британия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Корхона ишга туширилган дастлабки кунларда корхонада бор-йўли 51 нафар ишчи ишланган бўлса, ҳозирги кунда бу ерда 853 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.
Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи МДҲ давлатларига экспорт қилинади. Утган йили 3,1 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинди. Бу йил бу кўрсаткич 3,2 млн. АҚШ доллариға етиши кутилмоқда.
Корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги 2013-2015 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси асосида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, ишчи-хизматчиларга бепул тушлик ташкил этилган. Ишчиларни иш жойига олиб келиш ва уйларига олиб бориб қўйиш учун транспорт ажратилган.
Шу билан бирга, корхонада хотин-қизлар учун гигиена хонаси ташкил этилган бўлиб, ҳар йили уларга соғлигини тиклаш ва дам олиш учун сиҳатдоҳларга йўланмалар бериб келинаётган.
Суратда: Тикув цехи бошлиғи Нигора Жўраева ва раҳбар Русланамжон Пулатов маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.
Тоҳиржон ХАМРОКУЛОВ
олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўқитувчи ва мураббийлар кuni» муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатган кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада). Тошбаев Ботир Очилбаевич — Пайриқ транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти Туракулов Эрали Тошбуваевич — Ёзёвон туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг белбоғли кураш бўйича мураббийи, Фарғона вилояти Уразов Раҳматулла Ашурлиевич — Бобёв туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти Хусайнова Халима — Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ» Абдураманова Талия Халитовна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўлими боши мураббийи

ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти Мирвалиева Гавхар Пулатовна — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ноғирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси Мурадов Каримжон Кучкарлович — Чортоқ педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти Танжарова Рано Акрамовна — Олмалик кончилик касб-хунар коллежининг чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти Турниёзов Муродулла Камолбоевич — Навоий индустриал-иктисодиёт коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти Уралов Абдували Турғунович — Гулистон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти Халимова Нурзода Олимовна — Вобкент курилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти Юнусов Хамзабек Умарович — Андижон машинасозлик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти II ДАРАЖАЛИ «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН Диланова Гулзамира Гулимбетовна — Кегейли туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Зиёев Урал Абулқосимович — Оқдарё туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича катта мураббийи, Самарқанд вилояти Мусаев Абдурашит Ибрахимович — Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг эшак эшиш бўлими боши мураббийи, Тошкент вилояти «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН Абсаломова Муҳаббат Қаҳрамоновна — Зарбдор туманидаги 25-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти Бабаев Курёсбай Ҳажиевич — Хива кишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти Боҳоров Обитхон Орипович — Қувасой саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Фарғона вилояти Гафарова Махфуза Болтаевна — Самарқанд туризм ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Самарқанд вилояти Дауленова Даригул Прияровна — Нукус шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўраева Гули Тожиевна — Қизирик туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти Мирзалимова Хабибахон Раҳматалиевна — Поп туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти Мирзоқулов Холмуҳаммад Турсунбоевич — Беқобод саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти Мустафина Гульсара Шевкеевна — На-

воий кончилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти Нажметдинова Хамадагон Убайдуллаевна — Гулистон давлат университети қошидаги Гулистон академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти Орзикулов Ботир Хайдарович — Балқич туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти Пионтковская Алина Николаевна — Олмazor туманидаги 23-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг синхрон сузиш бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри Тураева Раёхон Туробовна — Жондор туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти Юлдашева Диларам Раҳматовна — Қарши шаҳридаги «Мурувват» ноғирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти «ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН Баҳрамова Мархабо Кучкарловна — Зангиота туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти Бердиева Раёна Тураевна — Қарши туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти Бердикулов Анвар Отакулович — Иштихон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти Бозоров Обиджон Эшбоевич — Ангор туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти Бутаева Онархон Шерқўзиевна — Бағдод туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти Давлетжанова Ойгул Қадамовна — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти Далиева Бибайим Сарсенбаевна — Шуманай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Деханов Одижон Юнусалиевич — Норин саноат ва сервис касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти Жақсимуратова Зернегул Алламуратовна — Чимбой кишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Ибодуллаева Малохат Исмаиловна — Шеробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти Икрамова Муяссар Эралиевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти Йўлдошева Шохиди Саъдуллаевна — Хатирчи туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Навоий вилояти Қаландарова Майрам Жўраевна — Оҳангарон саноат касб-хунар коллежининг

махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти Камалова Диларам Туяловна — Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти Қаржанов Рустам Норматович — Шўрчи туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг рубоб ва анъанавий хонандалик синфи ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти Қосимов Нумонжон Абдуллажонович — Қосонсой туманидаги 29-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гандбол бўйича мураббийи, Наманган вилояти Кулмамадова Холида Рамазоновна — Бухоро туманидаги 25-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Бухоро вилояти Курбанов Абдулҳафиз Юсупович — Шаҳрихон автомобил йўллари қурилиши касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти Курбанов Қадимбай Султанович — Хонқа қурилиш касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Хоразм вилояти Кутлимуратова Гулшан Тажимовна — Беруний туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Мансуров Сайдулла Соҳодуллович — Тўрақўрғон кишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти Махсудова Махфиза Бақоевна — Самарқанд шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти Минова Дилфуза Сайфуллаевна — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти Муминова Махпратхон Турсуновна — Уйчи туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти Мухтарова Барнохон Озодбековна — Андижон туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти Наваров Уктам Жўраевич — Бухоро шаҳридаги 24-кузи оид болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти Омонова Гулсара Самановна — Мирзобод туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти Пирожкова Наталья Борисовна — Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-хунар коллежининг бош устаси, Тошкент шаҳри Рўзиев Фарходбек Абдиманнобович — Олтинқўл иқтисодиёт коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти Сирожиддинов Анваржон Холмирович — Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти Суянова Хуррия Алайдаровна — Баҳмал туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти Тохтаматова Диларом Уткировна — 1-Республика тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри Тохтоҳоджаева Мафратхон Махмудовна — Ҳамза туманидаги темир йўл касб-хунар

колежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри Тўйчиев Расулжон Абдумаликович — Қирғули саноат ва қурилиш касб-хунар коллежининг бош устаси, Фарғона вилояти Узоқов Хусан Қўзиевич — Миришкор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти Умарова Нилуфар Закириллоевна — Ангрэн политехника касб-хунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти Уроқова Нафиса Шарофиддиновна — Самарқанд тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти Ҳажиев Қувандиқ Садуллаевич — Урганч автомобил ва йўллар касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти Хайитова Дилфуза Жўрақўзиевна — Бувайда туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти Ҳакимова Норбуви Қодировна — Жиззах туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти Ходжаева Дильдора Абдуҷаббаровна — Юнусобод туманидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўзбек халқ қолғулари синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри Худойбердиев Фазлиддин Гайбуллаевич — Қизилтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти Хўжабекова Одинахон Ҳашимовна — Избоскан туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти Шоймардонов Жўра Қултоевич — Қасби туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти Шубин Вячеслав Егорович — Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг байдаржа ва каноода эшак эшиш бўлими мураббийи Шуров Равшан Тоҳирович — Шайхонтоҳур туманидаги 15-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри Эргашева Нодира Қосимовна — Сардоба туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти Эшқуватов Нарзилла Эшнйезович — Қашама ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти Юлдашев Бердибай — Тахташ энергетика касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Юнусова Зайнаб Маджитовна — Яққаб қурилиш-саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2013 йил 27 сентябр

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида ўқитувчи ва мураббийлар кuni муносабати билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида «Узлуксиз таълим тизимини модернизациялаш — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда тегишли вазирликларнинг мутасадди вакиллари истиқлол йилларида таълим тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

Таълим — бутун ҳаёт давомида

Ҳозирда халқ таълими тизимида қарийб 411 минг педагог меҳнат қилмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб психологи», «Йилнинг энг яхши мактаб директори», «Йилнинг энг яхши услубчиси» каби қўриқтанловлар орқали илгор, ташаббускор, ижодкор педагоглар тажрибаси оммалаштирилиб, таълим мазмуни тақомиллаштириляпти. Устоз ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилган қўшимча имтиёз ва шароитлар натижасида жорий йилда таълим муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш кўрсаткичи 99,3 фоизга етди. «Баркамол авлод» болалар марказлари моддий-техник базасининг янгиланганиги, болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун ўқув биноларининг қурилиши, замонавий тарзда жиҳозланиши, болалар спортини оммалаштириш йўлида амалга оширилган ишлар таълим мазмуни сифатини янги босқичга кўтарди.

Мамлакатимиздаги 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицейда 117 минг 620 нафардан зиёд педагог ходим, умумтаълим фанлари ўқитувчиси, махсус фан ўқитувчиси, ишлаб чиқариш таълими устаси меҳнат қилмоқда. Жорий йилда умумтаълим мактабларини таъминлаган 533 минг 658 нафар ўқувчи академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиниб, бу жараён илк маротаба «online» тарзда ишлайдиган компютер дастуридан фойдаланган ҳолда ташкил этилди. Касб-хунар коллежи битирувчиларининг қорхона, ташкилотларда амалиёт ўташи ва кейинчалик ишга жойлашиши учун уч томонлама шартномалар тузилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 58 та олий таълим муассасаси (2 та академия, 20 та университет, 36 та институт), Республика марказий олий ўқув юртинининг вилоятлардаги 11 та филиали, етакчи хорижий олий ўқув юртинининг 6 та филиали фаолият юритмоқда. Уларда 22 мингга яқин профес-

сор-ўқитувчи фаолият кўрсаттир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг олий таълим муассасалари сони икки баробарга ошди. Ёш илмий тадқиқотчилар ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, чет тилларни ўқитиш тизимини янада тақомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, кенг қўламли ислохотлар ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксак поғонага олиб чиқиб, замонавий талабларга жавоб берадиган «таълим — бутун ҳаёт давомида» парадигмасига мувофиқ узлуксизлик ва изчиллик касб эътияти. Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. С.АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Иқтидорлилар мактаби



Нукус шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ёшларнинг ҳар томонлама салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётган таълим масканларидан. Бу мактабнинг иқтидорли ўқувчилари фан олимпиадалари, танловлар, спорт бешлашувларида юксак натижаларга эришаётганида ҳам ўз ифодасини топаётди.

Чет тиллари, информатика хоналари, ахборот-ресурс маркази, физика, кимё, биология лаборатория хоналари ва спорт залида барча шарт-шароитлар яратилган таълим масканида 342 нафар ўғил-қиз замонавий ўқитиш андазалари асосида билим олмақда. Суратларда: Нукус шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида. Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ўЗА) олган суратлар

Касаба уюшмаси: кеча, бугун, эртага

Истиқлол ўзлигимизни қайтариш баробарида халқимиз орада бунёдкорлик учун журъат оловини ёқди. Орзу-умидларимиз улғайиб, бир-бир ушалиб бормоқда. Эзулик йўли сифатида тан олинган «Ўзбек модели» юртимизда яшайтган ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бугун жаҳмиёт ҳаётида синовдан ўтди. «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун», деган оқилона давъат амалиётда намойи бўлди.

Сафларимиз ЖИПСЛИГИ ВА КЕНГЛИГИ

фаоллигимиз ва ўзаро ҳамкорлигимизга боғлиқ

Ҳеч шубҳасиз, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз аҳли буюк ўзгаришлар ва янгилашиллар гувоҳига эмас, балки унинг чинакам иштирокчисига, ижодкори ва бунёдкори айланди. Энг муҳими, одамлар маънавияти, дунёқараши тубдан ўзгарди. Эндиликда юртимизнинг ҳар бир фуқароси шу азиз Ватанга дахлдорлик ҳиссини чуқур англамоқда, унинг гуллаб-яшнаши, ободлигига баҳолли қўл қўйиб ҳисса қўшишга интиломоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди. Юртбошимиз раҳнамолигида иқтисодийнинг нодавлат секторида олиб борилган туб ислохотлар туфайли айнан шу соҳа одамларининг ЯИМдаги ҳиссаси йил сайин салмоқли бўлиб бормоқда.

Глобал иқтисодийта давр бўлган жиддий муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорлиқни сақлашга эришилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Энг юқори даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаол ривожланмоқда. Бу уларнинг ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши, экспорт ва бандликдаги улушининг ўсишида акс этмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида кичик бизнеснинг 15,8 мингта янги субъекти ташкил этилди. 554,4 мингта янги иш ўрни, улардан 334,4 мингта ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда яратилди.

Республикамизда уй меҳнатини, миллий ҳунармандчиликни, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида яратилган шарт-шароитлар натижасида кун сайин иқтисодийнинг бу соҳасида банд бўлганлар сони кўпайиб бормоқда. Масалан, 1997 йилда «Хунарманд» уюшмаси аъзоларининг сони 700 нафар бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 21 мингдан ортиб кетди.

2012 йилнинг 26 апрелида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун имзоланди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади ҳам иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни қўлайитиш ва янги иш жойларини яратишдан иборат. Мазкур қонун орқали оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганларга қўлаб имтиёз ва энгилликлар яратиб берилди. Бугунга келиб, фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари сони 500 дан ортиқни ташкил қилмоқда.

Инсоннинг кадр-қиммати, ҳурмати унинг манфаати рўбида кўринади. Республикада турли соҳаларда меҳнат қилаётганларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқларининг ҳар томонлама ҳимоясини таъминлаш касбаба уюшма ташкилотларининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган иқтисодийнинг нодавлат сектори корхоналарини касабба уюшмалари аъзолигига жалб қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2900 тага яқин иқтисодийнинг нодавлат секторидан корхоналарда янги касабба уюшма ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Аъзолар сони эса салкам 50 мингга кўпайди. Таҳлиллар бу борада олиб борилган ишларни янада ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Федерация тизимида нодавлат сектори корхона, ташкилотларини касабба уюшмаларига жалб этиш соҳасидаги ишларни қўлайитиш, уй меҳнати, оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик фаолиятида меҳнат қилаётганларни ҳам касабба уюшмалари аъзолигига жалб қилиш мақсадида яқинда ЎзҚУФ томонидан «Касаба уюшмаларига жалб этилмаган корхона ва ташкилотларда касабба уюшма ташкилотларини тузиш орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон касабба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс тадбирлар дастури» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мазкур дастурда касабба уюшмаларига жалб этилмаган юридик шахс бўлган нодавлат секторига мансуб корхона, ташкилотларини касабба уюшмаларига жалб этиш борасидаги ташкилий ишларни янада ривожлантириш, тузилган янги касабба уюшма ташкилотларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, бошланғич ташкилотларнинг раислари ва фаолиятининг билим ва тажрибаларини янада ошириш, касабба уюшма органларининг янги касабба уюшма ташкилотларини тузиш борасидаги фаолияти самарадорлигини оширишга доир аниқ чора-тадбирлар белгилан олдинди.

Мазкур ишларни амалга оширишда ҳар бир ҳудудда «Касаба уюшмасига аъзо бўлинг» акциясини ўтказиш, акция доирасида эса ҳудудий бирлашмалар ҳамда Марказий кенгашлар томонидан касабба уюшмаларига аъзолик афзалликлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини янада ривожлантириш, касабба уюшма ташкилотлари тузилмаган корхона, ташкилотлар раҳбарлари билан ўрашувлар ташкил этиш, касабба уюшмалари аъзолигига жалб қилинмаган ходимлар ўртасида маданий-маърифий, спорт тадбирларини ташкил қилишга эътиборни қўлайитириш режалаштирилган.

Маҳаллий ҳокимликлар, солиқ ва статистика органлари, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми», Хунармандлар уюшмаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бу борада ишларни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Дастурдаги иккинчи бир йўналиш хусусий тадбиркорлик ва яқин тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлмаган фуқароларни касабба уюшмаларига жалб этишдан иборатдир. Иқтисодийнинг айнан шу соҳасида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касабба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Ҳозирда Ўзбекистон касабба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан иқтисодийнинг айнан шу соҳасида меҳнат қилаётган аҳолини касабба уюшма аъзолигига жалб қилиш, улар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ва оила аъзоларининг касабба уюшмалари тизимидаги санаторий ва профилакторийларда ҳамда болалар оромгоҳларида имтиёзли соғломлаштирилишини ташкил қилиш механизминини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусий тадбиркорлик ва яқин тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлмаган фуқароларни касабба уюшмаларига жалб этишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг вилоят, туман бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

Ҳар қандай эзгу ниёт ва мақсад халққа келтирадиган нафди билан эътиборга лойиқдир. «Касаба уюшмаларига жалб этилмаган корхона ва ташкилотларда касабба уюшма ташкилотларини тузиш орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон касабба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс тадбирлар дастури» ҳам, уйлаймики, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш, меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт ишларини кенг йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Кувондик МУҚУМОВ, Ўзбекистон касабба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири уринбосари

Андижон вилоятининг Бўз туманида ривожланишнинг оидин йўлига чиқиб бораётган фермер хўжалиқларини истаганча топиш мумкин. «Маъмурали орзуси» фермер хўжалигини ҳам ана шундай жамолардан бири. Хўжалиқда ҳар йили пахта ва галла бўйича белгиланган шартномавий режалар ортиги билан бажариб келинади.

— Фермерларга кўрсатилаётган гамхўрликлардан фойдаланиб, банкнинг имтиёзли кредити эвазига 5 та янги трактор сотиб олди, — дейди хўжалиқ раҳбари Иқболжон Маъмуралиев. — Чунки техника деҳқоннинг қаноти. Чигит экадиган, ишлов берадиган, дон ўрадиган техникаларимиз билан ўзимиздан ортиб қўшни фермерларга ҳам ёрдам бераймиз.

Суратда: фермер хўжалиги раҳбари Иқболжон Маъмуралиев.

Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат



Дийдор

Аслини олганда, иш авжи қизиган ҳозирги кунларда фермеру миришкорларни даласидан ташқарига чиқариш амри маҳол. Борди-ю, шундай бўлса ҳам, бунга анчагина арзирли сабаб бўлиши керак. Агросаноат мажмуи ходимлари касабба уюшма тизими Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан тармоқ фидойилари учун байрам дастурхони ёзаётганини эшитганча, «Тўпроқнинг хидини бемалол туйиб юрганнинг ўзи ҳам катта байрам» дегувчи боғбону деҳқон, пиллакору миришкорлар Бобур боғидаги «Висол» тантаналар мажмуига йиғилди. Зеро, кўнгилга яқинлар билан дийдорлашув ҳам дилларни тоғдек юксалтиради.

Ризқ йўлини очганлар

— Оқ олтиндан осмон қадар хирмон кўтаришни мақсад қилаётган тароватли кунларда эришган ютуқларимиздан фахрланишга, бунинг сабабчиси бўлган бунёдкор халқимиз вақиллари билан байрам қувончини баҳам қўришга интилдик, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касабба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Дилбар Хошимова. — 1990 йилда мамлакатимизга аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланча 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан ортиги, сўт ва сўт маҳсулотларининг 60 фоизи, картошқанин 50 фоизи четдан келтирилган бўлса,

бугун мустақил Ўзбекистон айна шу маҳсулотларни экспорт қилиш даражасигача юксалди. Бунда, албатта, фермерларнинг ҳиссаси бор.

Соҳанинг қўлаб вақиллари даштнинг томонидан юксак муқофотлар билан тақдирланганиларини навбатдаги вазибалар, эзгу мақсадлар учун йўлланма деб қабул қилишгани ҳам беҳиз эмас. Хусусан, Тўрақўрғон туманидаги «4-қишлоқ қурилиш комбинати» МЧЖ бош муҳандиси Иброҳим Отаҳонов «Меҳнат шухрати», Наманган туманидаги «Олтин замин ифтихори» фермер хўжалиги раҳбари Сайдулла Абу-

бакиров «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

— Юк кўтарган юзага чиқади, деганлари рост экан. Меҳнатларимиз орқасидан мустақиллик сабаб кадр тояғимиз, — дейди биз билан суҳбатда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи» унвони билан муқофотланган Дилбар Сотволдиева. — Оддий қишлоқ аёлман. Янгиқўрғон туманидаги «Бош пиллахона» МЧЖда бош агроном сифатида фаолият юритиб, ушбу вазифани имкон қадар уддалаб келаяпман. Биз каби меҳнатқашларни қадрлаб, касабба уюшмалари томонидан шундай гўзал байрамлар ташкил этилиб, совғалар улашिलाётгани ҳам ҳурмат ва эътибордан далолат.

— Агросаноат тизими — катта оила дегани. Оиланинг муҳаббати бир дастурхон атрофида таомга қўл узатишу яхши ниётлар билан юзга фотиҳа тортиш асноси ҳам чандон мустаҳкамланади, — дейди Дилбар Хошимова. — Дастурхон олдида дилга тугилган ниётлар, албатта, амалга ошади. Шунинг учун касабба уюшма аъзоларини ушбу тадбирга жамладик.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Хунардан унар

Нукус шаҳрида кўп йиллардан бери тадбиркорлик билан шуғулланиб, фаровон турмуш кечираётган хунармандлар сони кўпайиб бораётти. Ун саккиз йилдан бери сеvimли касбини шарафлаб келаятган қўли гул хунарманд Баҳодир Эшмуродов ана шундай меҳнатсевар кишилардан.

Сифатига гап йўқ

Баҳодиржон ўстози Пардабой Аметовдан чилангарлик касбини ўрганиб кам бўлмади. Қолаверса, ўзи ҳам кўпга шо-гирдлар тайёрлади.

— Баҳодир аканинг ҳамюртлар орасида ўзига яраша ҳурмат-эътибори бор, — дейди ҳамкасби Б.Қодирниёзов. — Ҳар бир буюртмани тез ва соз бажаради. Бизлар ҳам ундан ибрат оламиз.

Жонқуяр уста қўлидан чиққан уй-рўзгор буюмларининг сифатига гап йўқ. Шунинг учун, нафақат Нукус, Кегайли, Чимбой, ҳатто олимп Тахтақўлир, Мўйноқ туманларидан ҳам уни сўроқлаб келишади.

Иззат ХИКМАТОВ

Жамғарма маблағи эвазига

Марғилон шаҳридаги «Мустақиллик» кўчасида жойлашган 21-умумтаълим мактаби ўқувчиларни янги ўқув йилида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган бўлада кўтиб олди.

Қурилишга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 666,3 млн. сўм маблағ сарфланди. 680 ўринга мўлжалланган билим маскани икки қорпусдан иборат. Усти ёпиқ спорт мажмуасида ёшлар спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиши мумкин. Улар учун сауна, душ, тиббиёт хонаси ишлаб турибди.

Муҳаммадjon МАХМУДJON

Ёшлар — келажакимиз

Хунар — зар, хунарманд — заргар, деган мақол тоғиб айтилган. Истиқлол ша-рофати билан халқ хунармандчилиги янада ривожланди. Хунармандлардан бири кўҳна Бухоро шаҳрида истиқомат қилаётган Сурайё Халиловадир.

Онаси Салима опа қадимий каштачилик билан шуғуллана бошлаганида Сурайё ҳали жажжигина қизалоқ эди. Ҳар бир сўзана ёки ёстиқчалардаги нақшларни кўзлари қувнаб томоша қилар экан, беихтиёр уларни бармоқчалари билан силлашга тушарди. Ажиб бир ҳиссиёт уни нималардир қилишга ундар ва қўлига қоғоз-қалам олиб, ўзича нақш чизишга тушиб кетарди. Игна улашни зўрға эпласа-да, чизган нақшларини матога муҳрлашга уринарди. Кизалоқнинг иштиёқини сезган Салима опа уни моҳир чизма-чи-ю каштачиларнинг олдида олиб борар, қизининг ҳаракатларини зимдан кузатишни хуш кўрарди.

Ун икки-ўн уч ёшларида Сурайё мустақил равишда бир-биролдан гўзал нақшларни бе-малол чиза олар, кашта ти-кишда ҳам катталардан қолишмасди. Шу боис кўпчи-лик ҳеч иккиланмай чизма чи-зиш учун унга буюртма бера-диган бўлди. Каштачиликда ти-кишдан кўра гул чизмасини матога солиш анчагина мурак-каб, шу боис бу ишни ҳамма ҳам ундалайвермайди. Бунда қизининг ҳаёлот олами, та-савури анчагина кенг, қола-верса, нозик дид соҳиб бўли-ши лозим. Сурайё ана шу иқ-тидори туфайли унча-мунча тикувчинин доғда қолдиради. Эғнида ҳар гал ўзи яратган қиймларни кийиб чиққанида, дарҳол унинг фасонидан ан-даза олишга тушиб кетишади.

Сурайё Бухоро педагогика коллежига қадам қўйганида ҳеч иккиланмай дизайнлик бўлимини танлади. Кўнгилга қараб адашмаган экан, мана ҳозирда коллеж ҳаётида унинг ўз ўрни бор. Энг наму-

нали талаба сифатида устоз-ларнинг меҳрини қозонган. Коллеж директори Матлаб Тилова шундай леги: «Су-райё умидли ёшларимиздан. У ижодхонаси — ўзининг мўъжаз оламида каштачилик

Нафосат соҳибаси

сир-асрорларига ошно бўлиб, бетакрор санъат асар-ларини яратиб келмоқда. Ҳар бир буюмда ўзбек қизининг қалби, пок орзу-ниятлари яширин. Шунинг учун бўлса керак, у тиккан сўзана-ларга кўзи тушган ҳар бир киши олам-олам завқ олади. Биз ана шундай изланувчан, кела-жаги порлоқ талабаларимиз борлигидан фахрланамиз»

Сурайё «Келажак овози» республика кўрик-танловининг 2013 йилги вилоят бос-қисининг 2012 йилги 11-кўргазмасида фаол ишти-роки ва ўзига хос ижодкорлиги туфайли диплом билан муко-фотланди. Рағбатлар уни ян-гидан-янги ижод намуналари-ни яратишга илҳомлангир-моқда. «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг шаҳар босқичида «Энг яхши хунар-манд» йўналиши бўйича фах-

рий ёрлик олган бўлса, вилоят босқичида диплом соҳиба-си бўлди.

«Қамолот» ЁИХнинг вилоят бўлими томонидан 2012 йил-да уюштирилган «Баҳор лато-фати» танловида ҳам бирин-чиликни қўлга киритди. Ти-ниб-тинчимас қиз маҳаллада, колледжда ўтказилаётган қўлдан-қўп тадбирнинг фаол иштирокчиси. Дарвоқе, жо-рий йилда у Зунфия номида-ги Давлат муқофотининг санъат йўналиши бўйича ша-ҳар босқичидан ўтди. Поғона-

савол ташладик. «Мен танлов ёки тадбирларга алоҳида тай-ёргарлик кўриб ўтирмайман. Ўз ишим, ижодим билан машғулман. Ҳар кун одатда-гидек хоҳ қўлда бўлсин, хоҳ попопда, нимандир аввал хаёлан, сўнгра амалда чиза-ман, тикаман ёки режалашти-раман. Тадбир ва танловлар-га эса йўл-йўлакай қатнашиб кетавераман», — дея хотир-жамгина жавоб берди у.

Бухоро шаҳар «Тадбиркор аёл» ҳамда «Хунарманд» уюшмаларига аъзо Сурайё нозик елкаларига катта масъулият олган. Аммо у бун-дан сирам чўчиётгани йўқ, одатдаги ишлари билан ово-ра. Зеро, ўз кучига катта ишонч билан қараш бугунги ёшларга хос бўлган энг яхши хусусиятлардан биридир. Қолаверса, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик азал-азал-дан миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳа, қадриятларимиз, бу — биз-нинг ўзимиз, юзимиз ва сўзи-миз. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири



Энгил саноатининг номи энгилу, меҳнати оғир. Аслида, ҳеч қайси саноатнинг ҳам меҳнати энгил эмас, аммо энгил саноатнинг хош ип йиғириш, хош пахтани дастлабки қайта ишлаш (пахтани чигитидан ажрати олиш жараёни), хош бошқа соҳалари бўлсин, ўзига яраша юки салмоқли. Бас, шундай экан, тизимдаги меҳнаткашларнинг соғлом, тетик бўлиши, бунинг учун соғломлаштириш профилактикарий-санаторийлар, дам олиш масканларини бунёд этиш муҳим тадбирлардан бири эканлиги табиий бир ҳолдир.

Яқин-яқингача, яъни 1968 йилдан то 2012 йилга Республика «Пахтасаноатилм» ишчи-хизматчиларнинг Чирчиқ ўрмон хўжалиги еридан 1,2 га. майдонни ижарага олиб, 150 ўринга мўлжалланган ҳар бири 4 хонадан иборат 30 та тахта уйча, энгил конструкцияли 7 та коттеж, ёғи ошхона, болалар майдончаси, қўшимча хўжалик хонаси билан Чимён тоғ тизмаларида жойлашган мавсумий «Арчазор» дам олиш маскани мавжуд эди. Аммо йиллар аёвсиз. Мазкур маскан бора-бора замон талабларига жавоб бермайдиган, тахтадан ясалган уйларнинг бири қисми чириб, ярқисиз ҳолга келиб қолди.

Юртбошимизнинг 2000 йилда Бўстонлик ҳудудда ташкилот ва муассасалар ходимлари учун дам олиш масканлари барпо этиш борасидаги давлати бўйича ўтган йили ижарадаги «Арчазор» дам олиш масканида ободонлаштириш бошланди. Хайрилик ишда «Узпахтасаноат» уюшмаси, «Пахтасаноатилм» ҳамда «Тошкентпахтасаноат» ташкилотлари ҳамкорлик қилишди. Кўрсиниз тахта уйлар ўрнида 3 қаватли асосий бино ва тўртта ҳашаматли коттеж бунёд этилиб, кўрганнинг кўзини қувонтирадиган, дам олганнинг ҳавасини келтирадиган кўркам оромгоҳга айлантирилди.

Шундай балангликда қисқа муддатда мўъжаз маскан барпо қилиниши ақл бовар қилмас ҳодисадир. «Арчазор» маъмурияти ҳам аввалга каминанинг «бу қадар улкан қўлдамдаги қурилиш ишларини қай йўсинда амалга оширишнинг» деган саволига маскан директори Салоҳиддин Раҳматов:

— Майли, гапириб берақолай, лекин ёзиш шарт эмас, — деди. — 1983 йили Тошкент туманидаги ва энгил саноати институтини тамомлагач, армия сафида хизматни ҳам ўтаб, 1986 йили

— Нега ахир?! У киши биз амалга оширишимиз умуман ақлга сиймайдиган шарт кўйди.

— Ҳеч бўлмаса, пишган гишти, силикатданми қурилган бирорта коттеж бўлгандаям, кўл қўйиб берардим, — деди.

— Агар бир ҳафта ичида силикат гишдан битта коттежни тикласак, имзо чекиб берасизми? — деб сурадим катъий оҳангда.

— Ўттиз йилдан бери қурилмаган коттежни бир ҳафтада қурмоқчимизлар? Майли, урдасангизлар имзо қўйганим бўлсин. Томини ёпмасангизлар ҳам майли, — деди бир ҳафтада гишдан

ўша ёққа олиб боргин. Хуллас, дилига йўл топсанг, йўқ демас, жуда бамаъни йигит, — дея далда берди.

— Менга сал жон киргандай бўлди. Эртасига домла айтган манзилга бордим. Аввалига, куёв унчалик рўйхушлик бермади. Юринг, бир айлантириб келаман деб таклиф қилдим. Ҳозир вақтим йўқ, икки кундан кейин бир кўнғироқлашайлик, деди. Рози бўлдим. Икки кундан кейин у йигитни бу ерга олиб келдим.

Унга бу ер жуда маъқул бўлди. У уйлаганимдан ҳам кўра тадбиркорроқ экан, ишга шунча киришиб кетдики, 3-4 кун ичида силикатдан коттежнинг қадди кўтарилди. Кўзларимга ишонмайман.

«Ободлик кўнғилдан бошланади» республика танловига

Арчазордаги «Арчазор»

ганимга қулоқ солишмай, қўлинг маза-ли экан деб мактаб, мени амалий ёрдам учун бу ерга ишга жўнатишди. Шу-шу каминани «Арчазор»га боғлаиб қолдим. Тўғриси, бу масканни севиб қолдим. Энди бу ерда яшай олмастим, уни фазийиб қилиш нияти юрагимга ором бермай қўйди.

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллари, давлатимизнинг институтизмизга бўлган эътибори кучайди. Юртбошимиз дам олиш масканларини ободонлаштириш, меҳнаткашларни соғломлаштириш масалаларига катта эътибор қаратган, институтизмиз раҳбарияти 2000 йилнинг 10 февралда Бўстонлик тумани ҳокимиятига мурожаат қилди. Ҳокимиятдагилар бу масалани ижобий ҳал қилди. Бу қарорни тасдиқлаш учун вилоят бош архитекторининг имзосига етишмас эди.

Салоҳиддин бир нафас тин олди. — Ахир бир кун у киши тинимсиз қантовларимдан зада бўлди, шекилли, дангалига кўчиб қўя қолди. — Ука, тушунсанг-чи, комиссия «Арчазор»ингни бошқа ташкилотга бермоқчи...

коттеж қурилмаслигимизга қатъий ишониб.

Салоҳиддин бирпас таратдиланиб турди-да, давом этди: — Ваъдани бердим-у, бу ишни қандай амалга оширишни ҳеч қалламга сиғдирилмасдим. Раҳбарлар менинг бундай тайинсиз ваъдани қандай қабул қилади? Умуман қабул қилишадими, йўқми, буям мен учун қоронғу эди. Таваскал, институтизмиз раҳбарининг ўринбосари олдиға кирдим ва шундай шундай дедим.

— Э, жинни-пинни бўлганмисан? Институтизмиз иқтисодий аҳолини ўзинг биласан, бир коттеж у ёқда турсин, бир дона гишт олишга ҳам имкомимиз йўқ, — деди у киши. Рўҳим тушиб кетганимни ёки дам олиш маскани қўлдан чиқиб кетганимга ичти аччишдим, ҳарқалай сал пайсади. Сўнгра: — Менинг тадбиркор кўёвим бор, илтимос қилсак, балки йўқ демас. Қарзга қўриб бергин, — дейимиз.

— Бугун гаплашиб қўяман, эртага олдиға ўтгин. Сен ҳам яхшилаб тушунтир,

ноат илмий Маркази» ОАЖ нинг «Арчазор» дам олиш маскани неғизда янги масъулияти чекланган жамяят ташкили этиш бўйича тасисчиларнинг қарорига биноан кейинги йилги «Арчазор-Чимган» масъулияти чекланган жамяят раиси этиб тайинланганди-да.

Мана, қарийб чорак асрим, Салоҳиддин Бўстонлик туманидаги «Арчазор» дам олиш масканида иш олиб боради. Бу масканнинг ҳар қарч ерини билади, ардоқлайди. Унинг ишдаги сўяги шу ерда қотган. Муомалали, институтизм, ишчи-хизматчилар унинг ярим имосига тушунади. Бир оиладек хизмат қилишади, дам олувчиларнинг «раҳмат»ларига мушарраф бўлишади.

Обод турмуш йилда оромгоҳнинг янги иморатда иш бошлаши жамоани ҳам, дам олувчиларни ҳам бирдай мамнун қилди. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига чинакам байрамона тўғфа бўлди. Дам олиш масканининг нафақат ташқи қиёбаси, балки бу ердаги шарт-шароитлар, хизмат савияси ҳам юқорилиги билан таширф



буорувчиларга манзур. Тансиқ, миллий таомлардан тузилган таомнома асосида бериладиган овқатлар мазали. Бош ошпаз Иштиёр Тоштемиров ва ошхона ходимларининг тез ва беозор хизматлари, айниқса юксак маданиятлик нишониси бўлмиш юзқўлариди хайрихоҳлик, таҳсинга лойиқдир. Дам олиш маскани ходимларидан Н.Рашидов, К.Раҳматов, Г.Пернебаева, Ш.Сериқбаева, С.Сериқбаева каби ишчи-хизматчилар дам олувчиларнинг олқишига сазовор бўлишмоқда.

Бу ерда бўлганимизда, Хоразм вилояти пахта саноати тизими ходимлари хордиқ чиқармоқда экан. Уларнинг ушбу маскан тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларига, қалб сўзларига қулоқ тутдик.

Кўшқўр пахта тозалаш заводи ходимлари О.Ҳасанов, З.Матмуратова, Н.Маҳмудовлар шундай дейишди: — Тоғ ҳавоси, табиат манзараси, бўлоқ сувини айтмайсизми? Келгусида оиламиз билан дам олишни юрагимизга жойлади.

Худди шундай дил сўзларини Урганч, Янгибозор, Шовот пахта тозалаш саноати тизими ишчи-хизматчиларидан М.Усупов, С.Искандаров, Р.Рўзметов, Х.Собиров ва бошқалардан ҳам эшитдик.

Бу эътирофлар пахта заводларининг оддий ишчи-хизматчилари, тракторчилари, чилангарлари, инженер-техник ходимларининг шунчаки оддий сўзлари эмас, дил изҳорларидир.

Комил АВАЗ. Дониёр ЁРМАТОВ олган сурат

Хуқуқий ҳимоя

Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 77 та қорхона, ташкилот ва муассасада учрашув, давра суҳбатлари, «Савол бериш, жавоб берамиз» каби мавзуларда хуқуқий тарғибот ишлари олиб борилиб, келиб тушаётган ариза ва шикоятларга қонун талаблари асосида жавоб берилмоқда.

Мурожаатлар эътиборда

Хусусан, Пахтачи тумани пахта тозалаш заводи ишчиси М.Тўрақуловнинг мурожаати ўрганилиб, бўлим ходимларининг аралашуви билан унга тегишли 3 млн. сўмдан зиёдроқ иш ҳақи ундириб берилди.

Самарқанд шаҳрида яшовчи И.Рефатовнинг ишга тиклаш тўғрисидаги шикоят бўлим ходимлари томонидан ўрганилиб, ходим талаби қондирилди.

Шунингдек, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга қўра, бўлимга оғзаки ҳамда «Ишонч телефонлари» орқали келиб тушаётган мурожаатлар борасида тегишли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, «Самарқандки» ОАЖ ишчиси Мавлуда Пирмаматованинг қолиб кетган иш ҳақларини ундириб бериш тўғрисида қилган мурожаатига асосан, бўлим ходимларининг аралашуви билан 1 млн. сўмга яқин иш ҳақи суд орқали ундириб берилди.

«Мотрид» масканида яшовчи фуқаро Нафиса Тожиеваннинг ҳомиладорлик таътилидан сўнг, ўз ишини давом эттиришга ёрдам сўраб қилган мурожаатига қўра, у бўлим ходимларининг амалий ёрдами билан ишга тикланди.

Шунингдек, бўлим томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар, Ўзбекистон Республикаси «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига биноан қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муносабатларини тартибга солишда қасаба уюшмаларининг ўрни, иш беришчи ва ходимларнинг вақиллик органдари ўртасида ижтимоий шериклик тамойилларини тўғри белгилашда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ва уни қўллашдаги ечимлар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар асосида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг мазмун-муҳити, уларни ҳаётга тўғри татбиқ этишга бағишланган оқо-семинарлар ўтказиб боришмоқда.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 50 дан ортиқ суҳбатларда иштирок этилиб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида бирлашма кенгашининг юридик бўлимига ишга тиклаш, ноқонуний ишдан бўшатилганлик, раҳбарнинг ноқонуний хатти-ҳаракати, меҳнат дафтарчаларини юритиш ҳамда бошқа меҳнат муносабатларига оид масалалар юзасидан фуқаролардан 61 та ёзма ва 72 та оғзаки мурожаат бўлган. Уларнинг даярли барчаси қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида «Ишонч телефони» ташкил этилиб, уларга малакали мутахассислар жалб қилинган. Ўтган даврда «Ишонч телефони»га 84 та мурожаат бўлиб, уларнинг барчасига амалдаги қонунларга мувофиқ равишда жавоб берилди. Мурожаатларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, меҳнат муносабатлари ва ижтимоий-таъминот, хуқуқий масалаларга оид мурожаатлар сирасига кирди.

Бундан ташқари, ходимлар иш жараёнида юзага келадиган саволлар бўйича исталган вақтда вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлимига мурожаат қилишлари ёки ташкил этилган «Ишонч телефони» орқали кўмак сўрашлари мумкинлиги оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришмоқда.

Ф. САЪДУЛЛАЕВ, юридик бўлим мудири

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида «Eibek TR» кўп тармоқли ишлаб чиқариш-савдо фирмаси томонидан ипак тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ «Ҳамкорбанк»нинг вилоят филиали томонидан ажратилган имтиёзлий кредит ҳисобига хориждан замонавий технология келтирилиб, туман меҳнаткашлари етиштирган пиллани шу ерда қайта ишлаш имконияти яратилди. Цех ишга туширилиши билан ўттиз нафарга яқин маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг аксариятини касб-хунар коллежи битирувчилари ташкил этади.

Суратда: қорхона ишчиси Санобар Равашанова.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат



Реклама ва эълонлар

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 29 октябрда ўтказилган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича: - энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - ушбу «Улуш» унун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш; - янги ишчи ўринлари ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Table with 6 columns: №, Объект номи, Ёзма ва ишончлик маълумоти (к.м.а.), Объект манзили, Валюса савдоночи, ПК/ВМК, Савдо шартлари ва шартлари. It lists details for the 'Eibek TR' project.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 29 октябрда ўтказилган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича: - энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - ушбу «Давлат активлари» учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш; - янги ишчи ўринлари ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Table with 6 columns: №, Объект номи, Ёзма ва ишончлик маълумоти (к.м.а.), Объект манзили, Валюса савдоночи, ПК/ВМК, Савдо шартлари ва шартлари. It lists details for various projects.

Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Навоий вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 24.12.2012 йилдаги 05-19.01/1943-сонли хатига асосан, Зарафшон шаҳар Мурғунтоғ қишлоғида сақланаётган, «Дамас» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 21 АС 677 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 268 558 сўм.

Савдо 2013 йил 30 октябр кунни соат 15:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 28 октябр кунни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2013 йил 30 октябр кунни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 4 ноябр кунни соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2013 йил 1 ноябр кунни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо голибига 10 иш кунни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Илоҳика банк» Навоий филиалининг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000704943164001; МФО: 00205; СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. www.rtm.uz, Гувоҳнома 1605.

«Farg'ona mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Риштон тумани тиббиёт бирлашмасига асосан, Риштон шаҳар Х.Олимжон кўчаси 9-уйда сақланаётган, «ВАЗ-2121» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 342 ЖАА бўлган техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 559 000 сўм.

Савдо 2013 йил 30 октябр кунни соат 15:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 28 октябр кунни соат 18:00.

Савдо голибига 10 иш кунни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Халқ банк» Фаргона вилоят филиалининг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000704943063001; МФО: 00497; СТИР: 302131494.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фаргона шаҳар, Б.Марғиновий кўчаси, 35-уй. Тел: 8 (373) 244-43-53. www.rtm.uz, Гувоҳнома 1177.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси ҲҚУФК девон-хонаси мутахассиси Лидия Рязановага онаси

Александр ЯКОВЛЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва жамоат ташкилотлари тарих факультети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти Эрмат Тилаевага турмуш ўртоғи Рано ЭЛМУРОДОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Insonga naf keltirish — oliy baxt. Biz bilan bog'laning: 8 (371) 256-85-43, 256-52-78

Шошилинг, обуна давом этмоқда!

Тахририятга ҳар йили кўплаб хатлар келади. Жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар ташқи муаллифларимиз қарийб 900 та, ўз мухбирларимиз 1000 га яқин хабар, мақола, очерк, журналист суриштируви, суҳбат ва лавҳалар ёзиб жўнатишди. Шунингдек, 280 га яқин расмий муносабат, 70 та шикоят, 30 та афроида ҳуқуқий савол келиб тушди. Ўз навбатида, биз ҳам мактубнинг мазмунига қараб, саҳифаларимиздан жой ажратаямиз. Айримларини тегишли идораларга юбориб, жавоб хатлари олаёламиз. Оз бўлса ҳам нафимиз теккан муштарийлардан миннатдорлик биткилари келганда мамнулик ҳиссини туямиз. Зеро, газеталаримизнинг ранг-баранг ва сермазмун бўлишида мана шу ҳамкорликнинг аҳамияти беқубдир.

Эътироф

Бахт, энг аввало, саломатлик, деганидир. Шунинг учун тансиҳатликка доир фикрлар, билдиргилар доимо эл назарида бўлади. «Ishonch»нинг шу йил 5 сентябр сониди чоп этилган «Кон босими нега ошадди?» мақоласи ҳам ана шундай талқинда тайёрланган мақола бўлди. Тиббиёт фанлари номзоди Нигора Иноғомова айтган тавсиялар муассасамиз «Уқитувчилар хонаси»да қўлдан-қўлга ўтиб ўқилди.

Кўлма-қўл

Газетанинг биргина шу сониди «Чўл лочини», «Эътибор ва рағбат ифодаси», «Қайси замонадасиз ўзи?», «Кино...Уйинчоқ эмас» сингари мушоҳадага чорлайдиган талай мақолаларга ўрин берилгани эътирофга лойиқ. «Хаёт ва қону» рақиб остида жойлаштирилган 4-саҳифадаги мақолаларда ҳам инсон қадри қимматини улуғлаш, шаънини асрашга уруғ берилган. Шунинг учун ҳам 2014 йил учун обуна жараёнида муштарийлар ортаёртганига гувоҳ бўлаямиз. Мактабимизда 322 нафар ўқувчи таълим олади. Йигит-қизлар соғлом ва ҳар жиҳатдан комил бўлиб вояга етиши учун барча шароит мавжуд. Янги ўқув йили арафасида замонавий талқинда қад ростлаган муассасамиз спорт залининг ишга туширилиши айтиш мудоаб бўлди. «Сардорбек капитал қурилиш» МЧЖ томонидан қурилган мазкур зал ҳар қуни спортсевар ёшлар билан гавкум. Муассаса томорқасининг ҳар бир қарғичи ободонлаштирилган. Иш яхши ташкил этилган жойда барака зиёда бўлади. Жамоа шартномаси обдон ўйланиб тузилганиги боис, ҳар бир банди тўлақонли уудаланаётир. Бу борада директоримиз Қ.Муқимовнинг хайрихоҳлиги қўл келаётир. Айтиш пайтда сеvimли нашримизга янги йил учун обуна бўлиб улгурдик.

Марзия ИСЛОМОВА, Хатирчи туманидаги 46-мактаб бошланғич касба уюшмаси раиси

Касаба сайр

Рухий мадад олдик

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети касаба уюшма кўмитаси ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўлими ЎзКУФК қошидаги «Касаба сайр» ташкилоти билан тузилган шартнома асосида жамоамизда узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган фидойий профессор-ўқитувчи, ишчи-ҳодим ҳамда ўқиш ва жамоат ишларида фаол талабаларнинг Хива шаҳрига саёҳатини уюштирди.

Саёҳат давомида 36 нафар ходим Урганч шаҳрига боришди. У ерда бизларни таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси Дилдора Разақова ҳамда Хоразм вилоят «Матбуот тарқатувчи шўба» корхонаси директори Юлдузхон Тошпўлатова кутиб олишди. Хива хонлиги тарихига оид саёҳатимизда Қўна арк номидаги қадимги Хоразм музейи илмий ходими Дилфуза Тошпўлатова ҳамроҳлик қилиб, 26 гектарлик майдонни эгаллаган Ичан қалъа тарихи, Хива хонлиги даврида бунёд этилган обидалар билан яқиндан таништирди.

Буюк аждодларимизнинг асрлар давомида тўпланган бой ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ўзида ифода этган бебаҳо маънавий обидалар — Қалъа ичидан ўрин олган Саид Аллоудин музейи, Қалта миноср, Мухаммад Аминхон мадрасалари ЮНЕСКОнинг дунё ёдгорликлари рўйхатидан жой олган. Д. Тошпўлатованинг айтишича, ёдгорликларнинг асосий қисми асл ҳолатида сақланмоқда. Уларнинг яхши ҳолатда бизгача етиб келиши, қалъани ўраб турган деворнинг минг йиллар давомида табиат ҳодисаларига дош бериб, ўз кўринишини йўқотмаганига катта мўъжиза.

— Бу мўъжизаларнинг сирини усталар ўзи билан олиб кетган, — дейди Д.Тошпўлатова. — «Алло-Кули-Хони» мажмуаси, «Тош ҳовли» саройи, «Полвон Дарвоза» билан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва фикр ва ҳаёт фалсафаси ҳар қандай инсонни ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўлди.

Хоразмнинг энг яқин тарихида ўчмас из қолдирган шоҳ ва шоир, 47 йил хонлик қилган Мухаммад Раҳимхони соний — Феруз томонида қурдирилган миносралар асосан уч қисмли нақшкор гуллар билан безатилган бўлиб, «Эзуғу фикр, эзуғу сўз, эзуғу амал» деган тамойилни ўзида жо қилган. Ҳожи Ислом миносраи масжиди, Паҳлавон Маҳмуд, Уч авлиё мақбараларини зиёрат қилиб, «Ният қудуғи»дан суич ечар эканмиз, ўтганларнинг руҳи шод бўлиб, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини тиладик.

Европанинг турли давлатларидан ташриф буюрган сайёҳларнинг маданий меросимизни ҳавас билан томоша қилаётганини кўриб, шу юрт фарзанди эканлигиндан гурурланасан киши. — Энг баянда, 57 метрлик миносрадан туриб Ичан қалъани кузатар эканман, осмон билан тўташудек гулбазаларни кўриб, нима учун Хива «Очиқ осмон остидаги музей» дейилишининг сабабини англагандек бўлдим гўё, — дейди чет тиллар факултети ўқитувчиси, доцент Лола Илиева.

— Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганларидек, бугун аждодларимиздан қолган меросларни кўриб, уларнинг бизга қадар етиб келганлиги сир-асроридан лол қолдик, — дейди Касб таълими факултети талабаси Фирдавс Бўронов. — Бу каби саёҳатлар билим ва дунёқарашларимиз ортисидаги хизмат қилади, албатта.

Наргиза РАСУЛМУХАМЕДОВА

Қайтар дунё

«Катта бўлсам, сизни дунёдаги энг бахтли она қиламан. Ҳар байрамда бугунгидай битта эмас, оламдаги борки хушбўй гулларни келтираман». Бундан ўн йил муқаддам яқка-ю ёлғиз ўғлидан ушбу сўзларни эшитган Замира ўзини дунёдаги энг бахтли она деб ҳисобларди. Ахир, фарзандидан тўхфа олиш, яна шундай ширин сўзларни эшитиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.



...Оналар меҳри дунёдаги барча меҳрлар устун. Уни бирор мезон билан ўлчаб бўлмайди.

Гул ўрнига тикон

Бироқ, роҳат-у фароғатда кечадиган онлари ўғлининг дийдорини кўмсаш билан ўтаётир. Ахир шу ниятда фарзанд ўстирган-дими?! «Болам, сендан ҳеч нарса керакмас, фақат соғ-саломат бўлсанг бас», дея айтган илтижоларига оладиган жавоби тайин, баҳоналар эса ўша-ўша. Охириг бор эшитган сўзлари барчасидан ўтиб тушди:

— Онажон, телефонимда пулим йўқ эди, ишларим кўпайиб кетди.

Ажаб, шундай бообру ташкилот ходими, катта-катта иморатлар сохибида бир кўнгироққа етгулик пул топилибмаса-я?!

Аслида, ҳаммасига ўзи сабабчи. Уғлига барча нарсани муҳайё қилган она амал, мансабнинг ўткинчи эканлигини англатормаган, оқ-қорани танитмаган, дунёнинг устун меҳр эканлигини уқтирмаган эди. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронгулигини айтмагани, киши ҳар бир ҳаракати учун жавоб беражагини ўргатмагани учун энди ҳар қанча афсусланмасин, фойдаси йўқ.

Олдинлари Замира ҳаммасига келинини айбдор деб ҳисобларди. Бироқ, шубҳалари ноўринлигини англаб этди. Инсоннинг маънавий дунёси бой, тафаккури кенг бўлса, уни ҳеч қим чалғита олмайди. Фарруҳга келин танлашда у фақат ўз мезонлари билан андармон бўлди. Бир гал ўғли «онажон у ақли, фикри менга тўғри келадиган қизми?» дея сўраганида, «Энг муҳими, у жуда чиройли, сенга ҳаммининг ҳаваси келади» дея жавоб қайтарди.

Келин бўлмиш янги хонадонга келганидан сўнг уй файзга тўлди. Фарруҳнинг иши фақат олдинга илдамлади. Бирин-кетин тутилган набиралар уйни қувончга тўлдириб юборди. Аммо бир кун набираларидан эшитган гапи уни қаратқ ҳолга солиб қўйди. «Бувижон, биз энди сиз билан яшамас эканмиз, кўчиб кетар эканмиз». «Бола-да, — қўл силтаган бўлди, — ўйламай гапириб қўяди. Ахир улурсиз менга бу ҳовли-жойининг нима кераги бор?».

Янгиликни айнан Фарруҳдан эшитгандан ҳолати ҳаммасидан ҳам аянчли эди. Аслида, алоҳида туришга уйда арзирли сабаб ҳам йўқ эди-да. «Ҳеч бўлмаса, битта фарзандингни менга ташлаб кет», дея зорланган онага, «Тез-тез келиб турамиз», деб баҳона қилишди. Бошида, ўғил ора-сирода келиб турди, фарзандларини олиб келса ҳам бир-икки кун ташлаб кетарди, бора-бора бу келиб-кетишлар узулиб қолди. Охири она бунга ҳам қўниқди. Энди унга ҳар тонг гулзордаги гулларга термулганча ўғлининг сўзларини эслаб, қайғу ва гамда эзиллигинга қолган эди.

Ҳа, Фарруҳ онасига дунёдаги гулларни тўхфа қилмади, гарчи бунга имкони етса ҳам. Эътиборсизлиги, бемехрлиги билан она қалбига тиконлар санчди, ҳолос. Нима эксанг, шуни ўрасан, дейишди. Қизик, эртага Фарруҳнинг болалари унга меҳр беришини ўзларига эп қўришармикин? Яқка-ёлғиз онаизорни ташлаб кетган инсоннинг эртаси ёруғмикин?

Рухия ИСМОИЛОВА

Замондошларимиз

Шижоатли аёл

Қарийб 23 йилдан буён Ҳамидаҳон Ўрдаева Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Поп туман кенгаши раиси вазифасида ишлаб келяпти. Кенгаш афроида 1070 нафар аъзо, 12 та бошланғич ташкилот уюшган. Шунингдек, 2857 нафар коллеж ўқувчиси ҳам касаба уюшма гамҳўрлиги билан қуршаб олинган. Туманда янги очилаётган соҳага тааллуқли МЧЖ, хусусий фирма ва корхоналар рўйхатга олиниб, улар ҳисобига аъзолар сони ортиб борапти.

— «Инсонга наф келтириш — олий бaxт» широри остида иш юритиб, ходимлар манфаатини химоя қилаёмиз, — дейди Ҳ.Ўрдаева. — Шу йилнинг ўтган ойларига ходимлардан 10 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди, 36 нафари рағбатлангирлиди. Уларнинг 30 нафар фарзанди Чуст шаҳридаги «Тоғ шалоласи» болалар оромгоҳида соғломлаштирилди. 8 нафар аъзо 45 фойиз тўлов асосида сихатгоҳларда саломатлигини тикладди. Уйғурсойдаги ҳарбий қисмга мусиқа анжомлари совға қилинди.

Бундан ташқари, Поп, Санг маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежлари, «Истиқлол савдо», «Нон савдо» МЧЖлари ходимларининг Парда Турсун номли сихатгоҳда ҳордиқ чиқариши таъминланди. Тарихий обидаларни зиёрат қилиш мақсадида Тошкент, Самарқанд,

Бухоро шаҳарларига саёҳат уюштириш режалаштирилган. Ҳ.Ўрдаеванинг жонқуяр инсон эканини ҳамкасблари ҳам алоҳида мамнуният билан таъкидлашди. Ҳамидаҳон устозлари М.Фёдоров, С.Орехова, А.Омонова, М.Ҳайдаров, Б.Ҳакимов, М.Мирзалиевларнинг ўғитига таяниб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мўйдин МАТКАРИМОВ, журналист

Мушоҳада

Адабиётнинг сўз санъати эканлиги барчамизга аён. Биз ҳар қуни бу санъатнинг қайсидир кўринишидан баҳраманд бўламиз. Китоб, газета, телевизордаги кўрсатувлар — ҳаммаси сўз санъати қудратидандир. Ахборот технологиялари асрида китобга бўлган эҳтиёж қай даражада? Қарашлар аввалгилардан фарқ қилиши табиий. Ҳўш, бугунги кун ёшлари китобни қанчалик севишадилар? Бу саволларнинг жавобини аниқ рақамлар билан айтиш жуда қийин. Масалан, яна бир томони борки, китобхонлар сони интернет клубларидан фойдаланувчилар сонидан анча кам. Буни қарангки, ҳатто, мактаб ўқувчилари орасида савол-жавоб ўтказган вақтимизда ҳам, уларнинг аксарияти интернетдан фойдаланиши ва бу китоб ўқишдан кўра осонроқ эканлиги ҳақида айтишди.

Китобхонлик ижоди

Ваҳоланки, китобни ҳеч нарсига алмаштириб бўлмайди. Бадий китоб ўқиганда, инсондаги «лоқайдлик» фаол муносабатга айланади. Китобхон ундаги воқеаларни ўз ҳаётида тасаввур қилади, хатоларини тақрирлашасанга ҳаракат қилади. «Одамлар китоб ўқимасалар фикрлашди ҳам маҳрум бўладилар», дейди Дени Дидро.

Китобхонлик ижодий иш ва доимий шуғулланишни тақозо этади. Балки, бунга кўпчилик ишонмас, аммо бу ҳақиқат. Сиз бадий асар ўқишга эндигина киришсангиз булсангиз, дастлаб воқеалар оқими-га қизиқиш қучаяди. Бу қизиқиш аста-секин ўша воқеа ва ҳодисалар тасвиридан тегишли хулоса чиқаришга йўллайди. Асарда тасвирланган воқелик билан ҳаёт воқелигини фарқлаш жонли мулоқот натижасидир. Китобхон уларни таққослаш учун бош қотиради — ўйлашга мажбур бўлади. Шу жараёнда асар воқеаларини ҳаёлида қайта жонлантиради, қаҳрамонларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўради, муайян хулосалар чиқаради. Қўриндиқки, у ўзига хос ижод қилади. Китобхоннинг ижодкорлиги, ўз навбатида, ёзувчининг маҳоратига ҳам боғлиқ. Китобхонлик муаммоси кеча ёки бугун тутилган эмас. Уни адабиётнинг ўзи каби қадимий, десақ хато бўлмайди. Буюк ақл эгаларидан қайси бирининг ҳаёт йўлига назар ташламанг, китобнинг улар умрини маёқ сингари ичдан ёритганини кўриш мумкин.

Бадий адабиётнинг моҳиятига мавлоно Алишер Навоий: «Нўққа су янглиғ эритур тошини, Топса ҳақиқат ўтидин чошини», — дея юксак баҳо беради.

«Китобхон», «Китобхонлик маданияти» тушунчалари ўқувчи зиммасига катта масъулият оқлайди. Негаки, хат-саводли бўлса-да, бадий, илмий оммабоп асарлар ўқимаган кишини саводхон деб бўлмайди.

Дарсликлар, масалан, тарихга оид ўқув қўлланмалари ўтган воқеалар ҳақида маълумот берса, география бўйича қўлланмалар географик билимлар билан қуроллантиради. Бадий асарлар эса, ҳам тарих, ҳам география дарсликлари каби билимлар беради. Лекин унинг энг муҳим хусусияти, бўлиб ўтган, бўлаётган ва юз бериши мумкин бўлган воқеаларнинг образли суратда тасвиридаги тўфайли китобхон ҳиссиётига, қалбига таъсир кўрсатишидир.

Бадий асарни ўқиш ўзича ҳеч нарсани англамайди. Энг муҳими, нимани ўқиш ва ўқигани қандай тушунишдир. Демак, китобхонлик — ўқилган китоблар билан белгиланмайди, у тушуниб ўқиш, яъни мақсадли ўқишдир. Китобхонлик таланти тўлма эмас, балки у инсоннинг ўз устида ишлаши орқали, тарбия воситасида камол топа боради.

Ишонга таълими ҳам, тарбияни ҳам берувчи, кўз олдимизда жонли тасвир этувчи ҳам шу китобдир. Шундай экан, унга бўлган эҳтиёжнинг қучайиши ҳамда китоблардан оладиган таълим ва тарбиянинг ўрнини кенгайтиришга ҳаракат қилайлик.

Муқаддас АЛЛАМБЕРГЕНОВА, Қорақалпоқ Давлат университети талабаси

Footer containing contact information, subscription rates, and publication details for 'Ishonch' newspaper.